

**ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/30.09.2020.Tib.122.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САЛОМОВА ХАНИФА ЖАХОНОВНА**

**ЗАРАГЕН ИНСЕКЦИДИНИ ТОКСИКО-ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ ВА  
ГИГИЕНИК МЕЪЁРЛАШ ТАРТИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ФАРҒОНА – 2022**

**фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Саломова Ханифа Жахоновна**

«Зараген» инсекцидини токсико-гигиеник баҳолаш  
ва гигиеник меъёрлаш тартибини ишлаб чиқиш..... 3

**Саломова Ханифа Жахоновна**

Разработка гигиенического нормирования и токсико-гигиенической  
оценки инсектицида «Зараген»..... 22

**Salomova Khanifa Jakhonovna**

Development of hygienic regulation and toxic-hygienic  
assessment of the insecticide «Zaragen»..... 42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 58

**ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/30.09.2020.Tib.122.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САЛОМОВА ХАНИФА ЖАХОНОВНА**

**«ЗАРАГЕН» ИНСЕКЦИДИНИ ТОКСИКО-ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ ВА  
ГИГИЕНИК МЕЪЁРЛАШ ТАРТИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ФАРҒОНА – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Одий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib1669 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fmioz@mail.uz](http://www.fmioz@mail.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Искандарова Гулноза Тулқиновна,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Дусчанов Бахтиёр Аллаберганович,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шерқўзиева Гўзал Фахритдиновна,  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини  
ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти ҳузуридаги PhD 04/30.09.2020.Tib.122.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «25» январь соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 712000, Фарғона ш., Янги Турон кўчаси, 2-уй. Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти e-mail: [www.fmioz@mail.uz](mailto:www.fmioz@mail.uz)).

Диссертация билан Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 4 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 712000, Фарғона ш., Янги Турон кўчаси, 2-уй. Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти. Тел./факс: (99869) 243-06-62). [www.fmioz@mail.uz](http://www.fmioz@mail.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «12» январь кuni тарқатилди.  
(2022 йил «12» январь даги 2 рақамли реестр баённомаси).



Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.Н.Саломова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари доктори

Ш.А.Норматова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж. Эрматов

## КИРИШ (докторлик (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоси бугунги кунда ўта долзарб бўлиб, уни ҳал қилишнинг асосий йўналишларидан бири қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат. Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган пестицидлар ичида инсектицидлар алоҳида ўрин эгаллайди. Инсектицидли кимёвий воситалар орасида сунъий пиретроидлар кенг кўламда ишлатилмоқда. Ушбу синфга мансуб бўлган инсектицидлар бир марталик организмга тушганда кам захарлилик хусусиятига эга, аммо пиретроидлар атроф-муҳитга чидамлилик хусусияти билан ажралиб туради. «...XIX асрнинг охирларигача қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши турли минерал моддалар ва ўсимликлардан олинган дудланадиган олтингугурт, керосин, далачой ромашкаси ишлатилиб келинди. XX аср бошидан турли кўшоёкли зараркунандаларга қарши курашиш учун бор, фосфор, калий сульфат, натрий фторид ишлатилган бўлса, кимё саноатининг ривожланиши билан ўтган асрнинг 50 йилларида олимлар томонидан кўп миқдорда пестицидлар ишлаб чиқарилди ва айримларида пестицид фаоллиги аниқланди...»<sup>1</sup>. Шу сабабли турли пестицидларни қишлоқ хўжалигида ишлатишнинг хавфсиз ва сифатли, токсикологик жиҳатдан безарарларни танлаш замонавий профилактик тиббиёт соҳасининг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда турли пестицидларни токсико-гигиеник баҳолаш ва гигиеник жиҳатдаги талабга мос келадиган меъёрларни ишлаб чиқиш борасида қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада танланган инсектицидининг ўткир захарлилик хусусиятларини, кўз шиллиқ қавати, териға кўзғатувчанлик хусусиятини, ўртача ва ўлим қиймати, сурункали захарлилик хусусиятлари ҳамда организмга тўпланиш даражаси, инсектициднинг организмни максимал кўтариш ва ўртача кунлик миқдори, инсектициднинг кимёвий тузилиши асосида захарлилик хусусияти, узоқ таъсир асоратлари, яъни, эмбриотоксик, гонадотоксик, мутаген, онкоген таъсир механизмларини ҳамда танланган инсектициднинг атроф-муҳитга, яъни, атмосфера ҳавоси, ишчи соҳалар ҳавоси, тупроқ, сув ҳавзалари, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсиз гигиеник меъёр ва регламентларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий йўналишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, сифатли қишлоқ маҳсулотларни ишлаб чиқиш орқали овқатланиш билан боғлиқ касалликлар натижасида юзага келадиган

---

<sup>1</sup> Белоусова, М.Е. Оценка безопасности Вт-инсектицидов для энтомофагов //Агротехнический метод защиты растений от вредных организмов. Материя VII международной научно-практической конференции. - Краснодар, 2015. - С.32-35.

организмдаги бузилишини ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни тадбиқ этиш, касалланиш даражасини камайтириш, овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликларни олдини олиш ва ҳаёт давомийлигини ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Шунда келиб чиққан ҳолда пестицидларни токсикогигиеник баҳолаш ва гигиеник жиҳатдаги талабга мос келадиган меъёрларни ишлаб чиқиш мамлакатимизнинг озиқ-овқат заҳирасини яратиш ва аҳолининг узоқ-умр кўриш давомийлигига боғлиқлигини асослаш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 18 декабридаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги 4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Гиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда юртимизда токсикология соҳасида аҳамиятли даражадаги ўзгаришлар рўй берди. Бугунги замон қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, уларда ўсимликларни ҳимоя қилиш, кенг миқдорда пестицидларни ишлатишни тақазо қилади. Шунинг натижасида улар билан атроф–муҳитнинг турли объектларини ифлосланиши ва пестицидларнинг комплекс равишда озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ҳамда ҳаво орқали инсон организмига тушиш хавфи ошади. Ўсимликларни ҳимоя қилиш борасида кўп йиллик оламшумул тажрибалар натижасида пестицидлардан муҳофаза қилишнинг санитар-гигиеник асосларини такомиллаштириш ва қатъий бошқариш, улардан инсонлар соғлиги, фауна ва флораларни асраб қолишнинг асосий мезони тўғрисида яна бир маротаба хулоса қилинди. Кейинги ўн йилликда қишлоқ хўжалигида кенг қўламда ишлатилаётган ва янгидан амалиётга тадбиқ этилаётган пестицидлар гигиеник жиҳатдан чуқур текширилмоқда. Уларнинг

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

биосферага хавфли бўлганларини қишлоқ хўжалигида ишлатиш тақиқланмоқда. Бундай кимёвий воситаларнинг ўрнига юқори самара берадиган, атроф–муҳитга чидамсиз, кам захарлилик хусусиятига эга бўлган пестицидлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилмоқда. Дунё бўйича инсектицидларни ишлаб чиқариш ва ишлатиш киши бошига йилига 0,5 кг ни ташкил этади. Буларнинг кўпчилиги экотизимда бир йилдан 100 йилгача сақланади (Мельников Н.Н.,1987; Седокур Л.К.,1993; Селиванова Л.В., 2008, Сафракова Н.Н., 2011, Towirawa V., 2005). Айрим пестицидларнинг узок таъсир асоратларини инобатга олиб, уларни қишлоқ хўжалигида ишлатишга рухсат беришдан олдин ҳар томонлама токсикологик ва гигиеник текширишдан ўтказилиб, уларнинг хавфсиз регламентларини ишлаб чиқиш ўта муҳимдир.

Ўзбекистонда пестицидларни меъёрлаштириш ва уларнинг гигиеник жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳит объектларида уларни меъёрлаштириш регламентларни ишлаб чиқиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда (Т.И.Искандаров, 2014, 2016; Ш.С.Бахритдинов, 2010; М.А.Хамрақулова, 2017), бироқ, турли пестицидлардан «Зараген» инсектицидини токсико-гигиеник баҳолаш ва гигиеник жиҳатдаги талабга мос келадиган меъёрларни ишлаб чиқишга қаратилган ишлар бажарилмаган.

Синтетик пиретроидлар гуруҳига мансуб пестицидларнинг қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши юқори самарадорлигини инобатга олиб, ушбу синфга мансуб инсектицидларнинг янгиларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бундай изланишлар натижасида бизнинг республикамизда янги, истиқболли инсектицид «Зараген» яратилди. «Зараген» инсектицидининг қишлоқ хўжалигида ишлатиш масаласини ҳал қилиш мақсадида унинг токсико-гигиеник хусусиятлари, атроф-муҳитга зарарсиз параметрларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бухоро Давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 02.2019.PhD.044-сонли «Бухоро худуди иссиқ иқлими шароитида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Зараген инсектицидининг инсон учун хавфлилик даражасини ва унинг атмосфера ҳавоси, ишчи ўринлари ҳавоси, сув ҳавзалари, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги ўсимликларидан олинадиган маҳсулотлар истеъмолчиларига, иссиқ иқлим шароитида хавфсизлигини таъминловчи гигиеник меъёр ва регламентларини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

«Зараген» инсектицидининг ўткир захарлилик хусусиятларини ўрганиш, кўз шиллиқ қавати ва терига кўзгатувчанлик хусусиятини, ўртача ва ўлим қийматини баҳолаш;

инсектициднинг сурункали заҳарлилик хусусиятлари ҳамда организмга тўпланиш даражасини, инсектициднинг организмнинг максимал тўпланиш ва ўртача кунлик миқдорини танлаш;

инсектициднинг кимёвий тузилиши асосида заҳарлилик хусусияти, узоқ таъсир асоратларини, яъни, эмбриотоксик, гонадотоксик, мутаген, онкоген таъсир механизмларини баҳолаш;

«Зараген» инсектицидининг атроф-муҳитга, яъни, атмосфера ҳавоси, ишчи ўринлари ҳавоси, тупроқ, сув ҳавзалари, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсиз гигиеник меъёр ва регламентларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ООО «ZARA TRUST» Ўзбекистон корхонасида ишлаб чиқилган «Зараген» к.с. 200 г/л» инсектициди ҳисобланади. Барча экспериментал токсикологик текширишлар 260 та оқ каламушларда амалга оширилди. Инсектициднинг атроф-муҳитда чидамлилик даражаси дала шароитида пахта, помидор ва картошка экин майдонларида синаб кўрилган.

**Тадқиқотнинг предмети сифатида** тажриба ҳайвонлари ва қишлоқ хўжалик экинлари (пахта, помидор ва картошка)да ўтказилган тадқиқот материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда санитар–гигиеник, токсикологик, санитар-статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Зараген инсектицидининг ўткир заҳарлилик хусусияти, организмга тўпланиш даражаси, тажриба ҳайвонлари ошқозонига метал зонд орқали Зараген кимёвий моддасининг сувли эритмаси юборилиб, инсектицидининг ўртача ўлим қиймати (ЎҚ50, СД50), максимал чидайдиган қиймати (ЎҚ0, СД0), аксарият ўлим миқдори (ЎҚ 100, СД 100), ўта сезгир қиймати (L<sub>imac</sub>) ҳамда организмга тўпланиш даражаси исботланган;

иссиқ қонли ҳайвонларда сурункали таъсир даражаси, тери ва кўз шиллиқ қаватида кўзғатувчанлик таъсири, инсектициднинг узоқ таъсир асорати онкоген, мутаген, гонадотоксик, эмбриотоксик таъсири исботланган;

танланган инспектициднинг атроф-муҳит объектларида чидамлилик даражаси, тупроқ қатламларида ҳаракати, ўсимликларнинг ер устки қисмига ўтиши ва ўсимликлардан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини ифлослаш даражаси исботланган;

танланган инспектициднинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлигини ошириш даражаси, организмга таъсир қилмайдиган хавфсизлик регламенти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инсектицидининг атмосфера ҳавоси ва ишчи ўринлар ҳавоси, сув ҳавзаларида рухсат этилган қиймати, тупроқда тахминий рухсат этилган қиймати, озиқ-овқат маҳсулотларида рухсат этилган концентрацияси, инсектицидни қишлоқ хўжалигида ишлатилганда санитария-химоя минтақаси (СХМ), кутиш муҳлати амалиётга жорий этиш учун тавсия этилган;



«Зараген» инсектицидини қишлоқ хўжалигида ишлатишнинг хавфсиз гигиеник меъёр ва регламентлари ишлаб чиқилиб, амалиётда синаб кўрилган.

инсектицидининг турли тупроқ шароитида (сарик тупроқ, шағал тупроқ) ҳаракат механизми амалиётда қўллашда асосланган;

инсектициднинг заҳарлилик хусусияти ва биологик фаоллиги, унинг кимёвий структурасига боғлиқлиги гигиеник жиҳатдан исботланган;

инсектицидининг мамлакатимиз иссиқ иқлим шароитида чидамлилик ва хавфлилик даражаси гигиеник баҳоланган, амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, тажриба хайвонларнинг сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган гигиеник, токсикологик, санитар-гигиеник, статистик усуллар асосида турли пестицидларни токсико-гигиеник баҳолаш ва гигиеник жиҳатдаги талабга мос келадиган меъёрларни ишлаб чиқишнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги, истиқболли «Зараген» инсектицидининг ўткир, сурункали таъсир механизми, организмга тўпланиш, тери, кўз шиллик қаватига қўзғатувчи даражаси атрофлича тўлиқ изоҳланди. Инсектицидининг узок таъсир асорати (онкоген, мутаген, гонадотоксик, эмбриотоксик хусусиятлари) илмий асосланди. «Зараген» инсектицидининг атроф-муҳитга чидамлилик даражаси, тупроқ қатламида тўпланиш миқдори, инсектициднинг ишлатилган миқдори, тупроқнинг тури ва намлик даражаси билан боғлиқлиги гигиеник жиҳатдан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Зараген» инсектицидининг атроф-муҳит объектлари (атмосфера ҳавоси, ишчи ўринлар ҳавоси, тупроқ, сув ҳавзалари, озиқ-овқат маҳсулотлари)да хавфсиз гигиеник меъёр ва регламентлари ишлаб чиқилиб, қишлоқ хўжалиги ҳамда санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати, унинг шаҳар, бўлимлари амалиётига татбиқ этилди, шунингдек, ушбу натижалар ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини ортишига, аҳолининг ҳаёт сифати ва атроф-муҳитнинг пестицидлар билан ифлосланишини олди олиниши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Зараген инсектицидини токсико-гигиеник баҳолаш ва гигиеник меъёрлаш тартибини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Зараген инсектицидини токсико-гигиеник баҳолаш натижалари бўйича «Зараген» инсектицидидан фойдаланишда аҳолини ҳимоя қилиш

ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш методикаси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 августдаги 8н-з/278-сон маълумотномаси). Натижада Зараген инсектицидининг ҳавода, сув ва тупроқдаги токсикологик ва гигиеник кўрсаткичлари регламентларини ишлаб чиқиш имконини берган;

Зараген» инсектицидидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилганда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Зараген» инсектицидидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилганда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни такомиллаштириш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 августдаги 8н-з/278-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ-хўжалиги ходимлари ва аҳолини пестицидлардан заҳарланишини олдини олиш чора-тадбирлари ва заҳарланишни олдини олишга қаратилган гигиеник тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берган;

Зараген инсектицидини токсико-гигиеник баҳолаш ва гигиеник меъёрлаш тартибини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Когон шаҳар санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати, Бухоро ва Ромитан туманлари ҳудудий санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати лабораториялари амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 октябрдаги 08-09/144670-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши аҳолининг турли қатламлари, қишлоқ-хўжалиги ходимларининг пестицидлардан заҳарланишини олдини олишни таъминлаш ҳамда ходимлар орасида касб касалликларининг учраш даражасини камайтириш, маҳсулотларнинг ҳосилдорлигини ошириш билан биргаликда, пестициднинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган гигиеник чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссер-тациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Турли пестицидларни токсико-гигиеник баҳолаш орқали гигиеник меъёрларни ишлаб чиқишнинг замонавий қирралари**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот натижалари ва тадқиқот иши мавзуси бўйича маҳаллий ҳамда хорижий адабиётларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Шунингдек, синтетик пиретроидларнинг тузилиши, физик-кимёвий хоссалари, қўлланилиши, инсектицид таъсир механизми, синтетик пиретроидларнинг заҳарлилик хусусиятлари, синтетик пиретроидли инсектицидларнинг токсико-динамикаси ҳамда синтетик пиретроидларнинг атроф-муҳитда чидамлилик даражаси ва ўзгаришига замонавий қараш натижалари келтирилган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Турли пестицидларни токсико-гигиеник баҳолаш ва гигиеник жиҳатдан талабга мос келадиган меъёрларни ишлаб чиқиш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, ҳажми ва усуллари, ташкил этилиши келтирилган. Тадқиқотда «Зараген» инсектициднинг атроф-муҳитга чидамлилик даражаси, тупроқ қатламида ҳаракати, ўсимлик танасига ўтиши, ўсимликлардан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини ифлослаш даражаси (ғўза, помидор, картошка экин майдонларида синов ўтказилди), «Зараген» инсектицидининг зараркунандаларнинг ошқозони ва териси орқали таъсири тажриба ҳайвонларида кузатилди. «Зараген» инсектицидининг ўткир заҳарлилик хусусиятини ўрганиш бўйича белгиланган мақсадга эришиш учун тадқиқот жараёнига токсикологик текшириш оғирлиги 150-200 гр оқ зотсиз каламушларда ўрганилиб, барча экспериментлар экологик ва биологик хавфсизликни сақлаган ҳолда олиб борилди. Олдимизга қўйилган вазифаларнинг ечимини амалга ошириш мақсадида илмий тадқиқот иши қуйидагича амалга оширилди.

Унинг бирламчи босқичида инсектициднинг ўткир заҳарлилик хусусияти, тери ва кўз шиллик қаватига қўзғатувчанлик, сурункали хусусиятлари, теротаген ва эмбриотоксик, гонадотоксик ва мутаген таъсири тажриба ҳайвонларида ўрганилди.


Тадқиқотнинг иккинчи босқичига сариқ ва шағал тупроқда ғўза, картошка ва помидор етиштириладиган майдонларда тадқиқот ўтказилиб,

олдимизга кўйилган мақсадга мувофиқ етиштирилган маҳсулотлар санитария-гигиеник лаборатор текширувларидан ўтказилди.

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2013) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ( $M \pm m$ ) ҳисобланилди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончлилиги Стюдент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди.

Диссертациянинг «Зараген» инсектициднинг атроф-муҳитда чидамлилиқ даражаси, тупроқ қатламида миграцияси ва ўсимликларга транслокация ҳолатини ўрганиш натижаларининг таҳлили» деб номланган учинчи бобида «Зараген» инсектициднинг атроф-муҳитга чидамлилиқ даражаси, тупроқ қатламида ҳаракати, ғўза экилган сариқ тупроқда чидамлилиқ даражаси, ғўза экилган сариқ шағал тупроқ шароитида чидамлилиқ даражаси ўсимлик танасига ўтиши, помидор экилган сариқ тупроқ шароитида чидамлилиқ даражаси, помидор экилган сариқ шағал тупроқда чидамлилиқ даражаси, картошка экилган сариқ тупроқ шароитида чидамлилиқ даражаси, картошка экилган сариқ шағал тупроқда шароитида чидамлилиқ даражаси, «Зараген» инсектицидининг тупроқ қатламида динамикада ҳаракатланиши ва ўсимлик танасига ўтиши даражаси таҳлил қилинди.

Инсектициднинг тупроқ қатламидаги ҳаракати (миграция) унинг уч қатламида (0-10, 10-20, 20-30 см) ўрганилган. «Зараген» инсектицидининг атмосфера ҳавоси, ишчи ўринлари ҳавоси, тупроқ, помидор, пахта чигити, картошкада қолдиғи юпка қатламли хроматография усулида текширилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Бажарилган санитар – гигиеник текширишлар ҳажми, мг·м<sup>3</sup>

Инсектициднинг ишчи соҳаларда рухсат этилган концентрацияси унинг заҳарлилик хусусиятидан келиб чиқиб, математик ҳисоблаш йўли билан ҳисобланади (2-расмга қаранг).


Унга кўра

$$PЭЖ_{к.ў.} = LD_{50} \times 0.008 = 3.8$$

Инсектициднинг ишчи соҳаларда рухсат этилган концентрацияси 3.0 мг/м<sup>3</sup> қилиб белгиланди.

Унга кўра,

$$PЭЖ_{А.Х.} = 6,0 + 1,5 LDХ = 6,0 + 1,5 \times 3,6 = 0,6$$



**2-расм. «Зараген» инсектицидининг тупроқ шароитида чидамлилиқ даражаси**

Инсектициднинг тупроқ ва ўсимлик танасида чидамлилиқ даражаси ҳамда ўткир заҳарлилик хусусиятларини инобатга олган ҳолда математик ҳисоблаш йўли билан «Зараген» инсектицидининг озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги максимал рухсат этилган даражаси ҳисоблаб чиқилди.

$$\begin{aligned} \text{Бунда картошка}_{MRЭД} &= 0,6 - 100\% \times 0,42 \\ &X - 70X \\ &0,42 - 1000 \\ X - 470 \quad X &= 0,14 = 0,1 \text{ мг/кг} \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} \text{Помидор}_{MRЭД} &= 0,42 - 1000 \\ X - 120; \quad X &= 0,05 \end{aligned}$$

«Зараген» инсектицидининг тупроқда мўлжалланган рухсат этилган концентрациясини асослашда, унинг озиқ-овқат маҳсулотларидаги максимал рухсат этилган даражаси инобатга олиниб ва математик ҳисоблаш йўли билан унинг МРЭЖси аниқланди.

Бунда тупроқда

$$MP_{ЭК} = Y = 1,15 + 0,76 ЛДx = 1,15 + 0,76 * (-1,3) = 0,1$$

«Зараген» инсектициди қишлоқ хўжалигида ғўза, помидор, картошка зараркунандаларига қарши синаш натижаси катта самара берган юқоридагиларни инобатга олиб, бизнинг олдимизга токсико-гигиеник текширишлар натижалари ва мавжуд адабиётлар маълумотларини таҳлил қилган ҳолда «Зараген» инсектицидининг инсон организми ва атроф-муҳитга хавфсизлик даражасига баҳо бериш, ушбу инсектицидини қишлоқ хўжалигида ишлатиш масаласини ҳал қилиш, ҳамда пестицидни географик иқлим тупроқ шароити бир хил бўлган Ўрта Осиё ҳудудлари қишлоқ хўжалигида хавфсиз гигиеник меъёр ва регламентларини ишлаб чиқиш мақсад қилиб қўйилган.

«Зараген» инсектицидининг атроф-муҳитда миграцияси, чидамлилиқ даражаси, тупроқ-ўсимлик занжирида ҳаракатига баҳо беришда бу ҳолатга иссиқ иқлим шароитида таъсир этувчи омиллар (инсектицидни миқдори, тупроқнинг тури, намлиги, ўсимлик тури) инобатга олинди.

Натижалар шуни кўрсатадики, «Зараген» инсектицидини ғўза майдонларига 0,1 кг/га миқдорида ишлатилганда унинг қолдиғи тупроқнинг текширилган қатламларида (0-10, 10-20, 20-30 см) аниқланмади. Ишлатиш миқдорининг 0,2, 0,3 кг/га оширилганда инсектицидининг тупроқ қатламини 10-20 ва 20-30 см да миграцияси ва ғўза баргида транслокацияси аниқланди. Бундай қонуният помидор ва картошка экин майдонларида ҳам давом этди. Инсектицидини помидор ва картошка экилган майдонларда 0,01 кг/га миқдорида ишлатилганда, инсектицид тупроқнинг бир қатламида аниқланмади. Инсектицидни 0,15 кг/га миқдорида ишлатилганда, унинг тупроқнинг юза қатламида (0-10 см, мос равишда  $0,01 \pm 0,001$  ва  $0,02 \pm 0,001$  мг/кг) топилди. Ушбу миқдорда ишлатилганда Инсектициднинг 10-20 см қатламига миграциясига олиб келган ( $0,02 \pm 0,002$  мг/кг) ишлатиш миқдорини 0,20 кг/га га оширганда инсектицид 20-30 см тупроқ чуқурлигига етиб борган ( $0,02 \pm 0,001$  мг/кг). Инсектицидни картошка экилган майдонга 0,20 кг/га миқдорида ишлатилганда, 60 кундан кейин 10-20 см чуқурлигида фақат унинг изи аниқланди. «Зараген» инсектицидини тупроқ қатламида ҳаракати унинг турига боғлиқлиги исботланди.


Инсектицидини ғўза экилган сариқ майда доначали тупроқда 0,15 кг/га миқдорида ишлатилганда, унинг қолдиғи тупроқ қатламининг 0-10 см да  $0,02 \pm 0,001$  мг/кг топилди, шағал тупроқ шароитида  $0,01 \pm 0,002$  мг/кг миқдорида аниқланди (50 фоизга кам). Шунингдек, инсектицидни помидор экилган сариқ тупроқда 0,10 кг/га миқдорида ишлатилганда, унинг миқдори тупроқ қатламининг 0-10 см да  $0,02 \pm 0,001$  мг/кг аниқланган бўлса, шағал тупроқ шароитида бу кўрсаткич  $0,01 \pm 0,001$  мг/кгни ташкил этган. Шундай қонуният картошка экилган майдонда ҳам кузатилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсектициднинг шағал тупроқ шароитида тупроқ қатламига миграцияси сариқ доначали тупроққа нисбатан юқорилиги кузатилди. Инсектицидни ғўза экилган сариқ тупроқ шароитида 0,15 кг/га

миқдорида ишлатилганда, тупроқ қатламининг 10-20 см да  $0,01 \pm 0,00$  мг/кг миқдорида топилган бўлса, шағал тупроқда ушбу кўрсаткич  $0,02 \pm 0,001$  мг/кг миқдорида аниқланди (50 фоиздан кўп). Шунингдек, инсектицидни ишлатишни  $0,30$  кг/га оширганда, ғўза экилган сариқ тупроқ шароитида тупроқ қатламининг 20-30 см да инсектицидни изи топилган бўлса, шағал тупроқда инсектицид бу қатламда  $0,01 \pm 0,001$  мг/кг миқдорида аниқланди.

Помидор экилган сариқ доначали тупроқда инсектицидни  $0,20$  кг/га миқдорида ишлатилганда, унинг миқдори тупроқ қатламининг 20-30 смда инсектициднинг изи аниқлаган бўлса, шағал тупроқ  $0,10$  кг/га га ишлатилгандан бошлаб пестицид 20-30 см тупроқ қатламида миграцияси аниқланди.  $0,10$  кг/га миқдорида ишлатилганда  $0,01 \pm 0,002$  мг/кг,  $0,15$  кг/га миқдорида ишлатилганда  $0,02 \pm 0,002$  мг/кг,  $0,20$  кг/га миқдорида ишлатилганда  $0,03 \pm 0,002$  мг/кг миқдорида аниқланди.

Картошка экилган сариқ доначали тупроқда инсектицидни  $0,10$ - $0,20$  кг/га миқдорида ишлатилганда, инсектицидни тупроқ қатламининг 20-30 см да унинг миграцияси кузатилмади. Аммо, шағал тупроқ шароитида инсектицидни  $0,15$ - $0,20$  кг/га га миқдорида ишлатилганда, уни тупроқ қатламининг 20-30 см да миграцияси кузатилди (мос равишда  $0,01 \pm 0,001$  ва  $0,02 \pm 0,002$  мг/кг). Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, «Зараген» инсектициди шағал тупроқ шароитида, сариқ майда доначали тупроққа нисбатан тупроқнинг чуқур қатламига 20-30 см) етиб боради. Бу ҳолат асосан шағал тупроқда пестицидни сақлаб қолувчи органик моддаларнинг камлиги ва инсектицидни сув билан чуқурликка ювилиши билан изоҳланди.

Инсектицид ғўза экилган майдонларда  $0,10$ ,  $0,15$ ,  $0,20$ ,  $0,30$  кг/га, помидор экилган майдонларда  $0,01$ ,  $0,10$ ,  $0,15$ ,  $0,20$  кг/га миқдорида ишлатилди (3-расмга қаранг).



**3-расм. «Зараген» инсектицидининг турли ўсимликлар экилган тупроқ шароитида уларнинг тупроқда чидамлилик даражаси, кг/га**

«Зараген» инсектицидини ғўза экилган майдонларда 0,10 кг/га миқдорида ишлатилганда, 90 кундан кейин (пахта пишиб етилган даврда) сариқ доначали ва шағал тупроқ шароитида унинг қолдиғи пахта чигити ва мойи таркибида топилмади.

Инсектициднинг ишлатилиш миқдорини 0,15 кг/га га кўтарилганда, 90 кундан сўнг пахта чигитида инсектициднинг изи аниқланди ва пахта мойида инсектицид аниқланмади.

Инсектицид 0,20 кг/га миқдорда ишлатилганда, сариқ доначали тупроқ шароитида пахта чигитида «Зараген»  $0,02 \pm 0,001$  мг/кг, шағал тупроқ шароитида  $0,01 \pm 0,001$  мг/кг миқдорида аниқланди. Пахта мойида эса сариқ доначали тупроқда  $0,01 \pm 0,001$  мг/кг миқдорда, шағал тупроқ шароитида инсектицидининг изи аниқланди.

Инсектицид 0,30 кг/га миқдорда ишлатилганда 90 кундан кейин инсектицид сариқ доначали тупроқ шароитида пахта чигитида  $0,03 \pm 0,002$  мг/кг, шағал тупроқ шароитида  $0,02 \pm 0,01$  мг/кг миқдорида, пахта мойида мос равишда  $0,02 \pm 0,001$  ва  $0,01 \pm 0,001$  мг/кг миқдорида аниқланди.

«Зараген» инсектицидининг қишлоқ хўжалигида кичик миқдорда (0,10 кг/га) ишлатилганда асосан тупроқнинг юза қаватида (0-10 см) тўпланади; Инсектицид ишлатилиш миқдорининг оширилиши билан унинг тупроқнинг чуқур қатламларида (10-20, 20-30 см) миграцияси кузатилди. Инсектициднинг тупроқ қатламларида миграцияси тупроқнинг турига боғлиқ (сариқ доначали, шағал тупроқ). «Зараген» инсектициди шағал тупроқ шароитида сариқ доначали тупроққа қараганда тупроқнинг чуқур қатламларида (20-30 см) юза қатламларига нисбатан кўпроқ тўпланди. Бундай ҳолатни шағал тупроқда кимёвий моддаларни сақлаб қолувчи органик моддаларнинг камлиги ва инсектицидни сув билан чуқурликка ювилиши билан асослаш мумкин; «Зараген» инсектициди ғўза, помидор ва картошка экилган тупроқда турлича миқдорда тўпланди. Бу асосан ушбу маҳсулотлар экилган тупроқнинг микроб ризосфераси ва бу қишлоқ хўжалиги экинларида ўтказиладиган агрокимёвий тадбирларнинг турличалиги билан боғлиқ; Инсектицид тупроқда тўпланиб, ўсимликлар (ғўза, помидор, картошка) танасига ўтиши (транслокация) кузатилди. Инсектицид шағал тупроқ шароитида сариқ доначали тупроққа нисбатан ўсимликка камроқ тўпланди. Бу ҳолатни асосан инсектицидни ўсимликлар илдизидан чуқурроқда ювилиб кетиши билан боғлаш мумкин;

«Зараген» инсектициди қишлоқ хўжалигида ишлатилганда ушбу экинлардан олинadиган озиқ-овқат маҳсулотларини ифлослайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ифлосланиш даражаси инсектициднинг ишлатилган миқдори, тупроқнинг ва озиқ-овқат маҳсулотларининг турига боғлиқдир.

Диссертациянинг «Тажриба ҳайвонларида токсик таъсир натижалари» деб номланган тўртинчи бобида инсектициднинг ўткир заҳарлилик хусусияти тажриба ҳайвонлари ошқозонига зонд орқали 4 мг/л бир марта юборилди. Тажриба ҳайвонлари «Зараген» инсектицидининг миқдориغا қараб 4 гуруҳга ажратилди (ҳар бир гуруҳда 6 тадан каламуш): I-



назорат гуруҳига–дистилланган сув; II-гуруҳга–1000 мг/кг «Зараген»; III-гуруҳ – 3000 мг/кг «Зараген»; IV-гуруҳ – 6000 мг/кг «Зараген» инсектициди юборилди.

Каламушлар 30 кун давомида кузатилди. Бунда каламушларнинг умумий ҳолати, клиник белгилар пайдо бўлишига эътибор берилди. Ўткир тажрибада «Зараген» инсектицидининг ўртача ўлим қиймати ( $ЎК_{50}$ ,  $СД_{50}$ ); максимал чидамлик қиймати ( $ЎК_0$ ,  $СД_0$ ); абсолют ўлим қиймати ( $ЎК_0$ ,  $СД_{100}$ ); ўта сезгир қиймати ( $Limac$ ) аниқланди.

«Зараген» инсектицидининг териға, кўз шиллик қаватиға кўзғатувчанлик хусусиятларини баҳолаш учун тажриба ҳайвонлариға қиёсий жиҳатдан ўрганилди ва таҳлил қилинди. Инсектициднинг териға ва кўз шиллик қаватиға кўзғатувчанлик хусусияти С.В.Суворов (1977) таклиф этган усулларда амалға оширилди. «Зараген» инсектицидини териға кўзғатувчи таъсири 12 та (оғирлиги 150-200 гр) эркак каламушда ўрганилиб, каламушлар 2 гуруҳга ажратилди. I-гуруҳ-назорат гуруҳи; II-гуруҳ-тажриба гуруҳлариға б тадан каламушлар олинди.

Каламушларнинг қорин қисмининг 2x2 см ҳажмда жуни тозаланиб, жуни тозаланган тери юзасиға «Зараген» инсектицидининг сувли эритмаси ҳар бир см<sup>2</sup> майдонға 20 мг томизилди. Назорат гуруҳи терисиға дистилланган сув томизилди. 4 соатли экспозициядан сўнг инсектицид ювиб ташланди. Терининг химикатға реакцияси 1, 4, 24, 48 соат давомида кузатиди. Бунда териға қизариш, шиш, яра, ёрилиш, қонаш ҳолатлариға эътибор берилди. Терининг қизариш даражаси С.В.Суворовнинг калориметрик линейкаси ёрдамида ўлчаниб, «Зараген» инсектицидини кўз шиллик қаватиға кўзғатувчанлик хусусиятиға баҳо берилди. Тажриба учун назорат гуруҳиға б та тажриба каламушлар олинди, тажриба каламушлари кўзиға шиша пипетка ёрдамида 50 мг (2 томчи) «Зараген» инсектицидининг сувли эритмаси томизилди. Назорат гуруҳи жониворлари кўзиға дистилланган сув томизилди. 15 дақиқадан сўнг ва 1, 24, 48, 72 соат давомида кузатилиб, инсектициднинг кўзға кўзғатувчан таъсири шкала бўйича балл ҳисобига ҳисобланди. 0-реакция йўқ; 1-конъюктива енгил қизарган; 2-конъюктива қизарган ва оқ парда енгил қизарган; 3-конъюктива ва оқ парда ўта қизарган, йиринглаган. Учала ҳолат кўшилиб, ўртачасидан инсектицидни кўзға кўзғатувчанлик хусусияти баҳоланди.

Пестицидларни инсон учун хавфлилик даражаси кўпчилик ҳолатларда уларнинг организмға тўпланиш даражаси билан боғлиқдир. Кимёвий инсектицидларнинг организмға тўпланиш даражасиға баҳо бериш уларнинг ички аъзоларға таъсир механизмиға баҳо беришнинг асосини ташкил этади. «Зараген» инсектицидининг тўпланиш даражаси Ю.С.Коган таклиф этган усулда ўрганилди (1976). Тажриба ҳайвонлари 4 гуруҳга ҳар бир гуруҳда б тадан каламуш олинди: I-гуруҳ назорат гуруҳи; II-гуруҳ тажриба-1/10  $ЎК_{50}$  (475 мг/кг); III-гуруҳ тажриба-1/20  $ЎК_{50}$  (237 мг/кг); IV-гуруҳ тажриба-1/50  $ЎК_{50}$  (113 мг/кг) миқдорида «Зараген» инсектициди 4 ой мобайнида юборилди. Ҳар куни тажриба ҳайвонларининг ҳолати кузатилиб, тўпланиш коэффициенти ҳисобланган.

«Зараген» инсектицидининг сурункали заҳарлилик хусусияти 4 та гуруҳ ҳайвонларида бир йил давомида ўрганилди. Тажриба ҳайвонларининг I-гуруҳга-1/5  $\dot{Y}K_{50}$ ; II-гуруҳга-1/10  $\dot{Y}K_{50}$ ; III-гуруҳга-1/20  $\dot{Y}K_{50}$ ; IV-гуруҳга-1/40  $\dot{Y}K_{50}$  миқдорда ҳар куни металл зонд орқали «Зараген» инсектицидининг сувли эритмаси ошқозонига юборилди. Тажрибанинг 3-чи кунидан бошлаб ҳайвонлар кузатилди.

Токсикологик текширишлар «Зараген» инсектицидининг ўткир заҳарлилик хусусияти, организмга тўпланиш даражаси, сурункали заҳарлилик хусусияти, узоқ таъсир асоратларини (онкологик, мутаген, гонадотоксик, эмбриотоксик хусусиятлари) ҳар томонлама чуқур ўрганилди.

Юқорида номлари келтирилган токсикологик текширишлар натижалари «Зараген» инсектицидининг атроф-муҳит, атмосфера ҳавоси, ишчи соҳалари ҳавоси, сув, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари), хавфсиз гигиеник меъёр ва регламентларни ишлаб чиқишга асос бўлди.

«Зараген» инсектицидининг ўткир заҳарлилик хусусияти оқ зотсиз каламушларнинг эркак ва урғочиларида ўрганилди. Тажриба каламушларнинг оғзи орқали металл зонд ёрдамида бир мартаба «Зараген» инсектицидининг сувли эритмаси 1000, 2000, 3000, 4000, 5000, 6000 мг/кг фаол таъсир этувчи моддаси ҳисобидан юборилиб, бир ой давомида кузатилди. Бунда каламушларнинг умумий ҳолати, ҳаракати, жунининг ҳолати, ўлим ҳолатлари кузатилди. Инсектицид юборилгандан 2 соатдан кейин барча каламушларда безовталиқ, кейин тинчланиш, сўлак ажралишининг кучайиши, нафас олишнинг қийинлашиши, иштаҳанинг йўқолиши, жунларининг хурпайиши кузатилди. «Зараген» инсектицидининг ўртача ўлим қийматини  $4750 \pm 110$  мг/кг қилиб белгиланди.

Тажриба ва математик ҳисоблаш натижасида «Зараген» инсектицидини ўткир заҳарлилик хусусияти билан 0321–2015 СанНваҚ асосида 3-синф хавфли инсектицидлар қаторидан ўрин олади деган хулосага келинди.

Инсектициднинг терига кўзғатувчанлик хусусияти оқ зотсиз каламушларда ўрганилди. 6 та оқ зотсиз каламушнинг қорин қисмидан 2x2 см диаметра жуни қирқилиб, жуни тозаланган жойга инсектициднинг сувли эритмасидан 3-4 томчи томизилди. 4 соатдан кейин инсектицид ювиб ташланиб, инсектицид томизилган терида қизариш, шиш пайдо бўлганлиги, куннинг охирида қизариш ва шиш аломатлари пасайиб, 24 соатдан кейин барча клиник белгилар йўқолганлиги кузатилди.


Кўзга кўзғатувчан хусусияти 6 та оқ зотсиз каламушни кўзига 2 томчидан «Зараген» инсектицидининг сувли эритмаси томизилиб, инсектицид томизилгандан 10 дақиқадан сўнг, инсектицид томизилган кўзда қизариш, қичишиш, ёш оқиши, безовталиқ каби белгилар пайдо бўлганлиги кузатилди. 4 соатдан кейин кўзнинг тўр пардасида яллиғланиш белгилари ва шиш пайдо бўлиб, тажрибанинг 2 чи кунда яллиғланиш белгилари пасайиб, 3 чи кунда тўлиқ барча белгилар йўқолди.

«Зараген» инсектицидининг организмга тўпланиш хусусияти субхроник тажриба асосида оқ зотсиз каламушларда ўрганилди. Каламушлар 6 та донадан 2 гуруҳга ажратилган: I-назорат гуруҳи; II- тажриба гуруҳи. Тажриба

гуруҳи каламушларига оғзидан металл зонд орқали 1/10  $\text{ЎК}_{50}$  (475 мг/кг) миқдорда ҳар куни «Зараген» инсектицидининг сувли эритмаси юборилди. Назорат давомида каламушларнинг ҳолати, заҳарланиш аломатлари бор ёки йўқлиги, ўлим ҳолатлари кузатиб борилди. Кузатишлар натижасида каламушларда заҳарланишнинг клиник аломатлари ва ўлим ҳолатлари кузатилмади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «Зараген» инсектициди функционал тўпланиш хусусиятига эга деган хулоса келинди. «Зараген» инсектицидининг сурункали заҳарланиш хусусияти 2 та жинсли (эркак ва урғочи) оқ каламушларда ўрганилди. Каламушлар 5 гуруҳга ажратилган: I-назорат гуруҳи дисстилланган сув; II-тажриба гуруҳи каламушлар оғзига металл зонд орқали 1/5 нисбатда Зараген эритмаси; III- тажриба гуруҳига 1/10 нисбатда; IV- тажриба гуруҳи 1/20 нисбатда ва V- тажриба гуруҳига 1/40 нисбатда. Тажриба ҳайвонларининг ҳолати, заҳарланишнинг клиник аломатлари, уларда ўлим ҳолатлари ҳар куни кузатиб борилди. Сурункали тажриба натижалари ва математик ҳисоблаш йўли билан «Зараген» инсектицидининг энг сезгир қиймати (бўсаға қиймати) 5 мг/кг ва максимал таъсир этмайдиган қиймат 0,5 мг/кг қилиб белгиланди. Шунингдек, математик ҳисоблаш йўли билан инсектициднинг кунлик таъсир этмайдиган қиймати 0,6 мг/инсон/кун қилиб гигиеник асосланди (4-расмга қаранг).

Каламушларнинг 2 жинси (эркак, урғочи) 18 ой давомида 1/10, 1/20, 1/30  $\text{ЎК}_{50}$  миқдорида «Зараген» инсектицидининг сувли эритмаси юборилиб, каламушлар ёриб кўрилганда, улар организмда назорат гуруҳидан ташқарига чиқиш ҳолатлари қайд этилмади. NOAEL7000 ppm (эркак каламушлар учун 935 кг ВТ/ кун, урғочи каламушлар учун 1155 мг/кг ВТ/ кунга тенг бўлган).



**4-расм. «Зараген» инсектицидининг ўткир, ўткир ости, сурункали ва узоқ таъсир асоратини ўрганишнинг қиёсий параметрлари, мг/кг**

Таъриба 2 жинсли (эркак, урғочи) оқ зотсиз каламушларда 2 йил давомида олиб борилди. Каламушлар оғзига металл зонд оркали ҳар куни 1/10, 1/20, 1/40 ЎҚ<sub>50</sub> миқдорида «Зараген» инсектицидининг сувли эритмаси юборилди. Каламушларнинг барчасида клиник ўзгаришлар қайд этилмади. Уларнинг оғирлиги, овқатланишида назарий гуруҳдан фарқ кузатилмади. Уларнинг эстерал, висцерал скелетол малоформациясида ўзгариш кузатилмади. Инсектицид тератоген ва эмбриотоксик хусусиятга эга эмаслиги кузатилди.

## ХУЛОСАЛАР

«Зараген» инсектицидини тосико-гигиеник баҳолаш ва гигиеник меъёрлаш тартибини ишлаб чиқиш» мавзусида бажарилган диссертация тадқиқот асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. «Зараген» 20 % инсектициди зараркунандалар организмга сўрилиши ва мулоқот натижасида таъсир этадиган пестицид ҳисобланади. Инсектицид пахта майдонлари зараркунандаларига қарши вегетация даврида икки мартаба ишлов берилади.

2. «Зараген» (хлорантранилипрол)-3бром-4хлор-1.3-хлор-2-пиридил-2.метил-6-метилкарбамоил-пиризол-5-карбоксанилид ўткир заҳарлилик хусусияти билан IV синф (кам заҳарлилик) хавфлилик даражасидаги пестицид ҳисобланади (0321-2015 сонли СанҚваМ) ярим фоиз каламушларни ўлдириш даражаси 4750 мг/кг, ЎҚ<sub>16</sub>-3000 мг/кг, ЎҚ<sub>84</sub>-5900 мг/кг ўткир заҳарланишнинг клиник белгилари марказий нерв системасининг жароҳатланишида намоён бўлади. Инсектицид терига ва кўз шиллиқ қаватига кўзғатувчан таъсирга эга, организмга функционал тўпланиш хусусиятига эга. Паст сурункали таъсирга эга. Унинг сезгир концентрацияси 3,0 мг/кг, таъсир этмайдиган қиймати 0,6 мг/кг ва кунлик рухсат этилган қиймати 0,72 мг/инсон/кг. Инсектицид онкоген, мутаген, гонадотоксик, эмбриотоксик таъсирга эга эмас.

3. «Зараген» инсектицидини қишлоқ хўжалигида ишлатилганда тупроқда тўпланади ва ўсимликлардан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини ифлослайди. Инсектицидни тупроқ қатламида ҳаракати (миграцияси) ва ўсимлик танасига ўтиш даражаси ишлатилган миқдор, ўсимликлар ва тупроқнинг турига боғлиқ.

4. «Зараген» инсектицидининг атроф-муҳитга чидамлилиги, тупроқ қатламида ҳаракати (миграцияси) ва ўсимлик танасига ўтиш (транслокация) даражаси билан учинчи гуруҳ чидамлиликка мансуб пестицидлар синфига киради. Унинг майда доначали сариқ ва сариқ шағал тупроқда сақланиш даражаси (Т<sub>95</sub>) 90-120 кун.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/30.09.2020.Tib.122.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ МЕДИЦИНСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ОБЩЕСТВЕННОГО ЗДОРОВЬЯ**  

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**САЛОМОВА ХАНИФА ЖАХОНОВНА**

**РАЗРАБОТКА ГИГИЕНИЧЕСКОГО НОРМИРОВАНИЯ И ТОКСИКО-  
ГИГИЕНИЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ ИНСЕКТИЦИДА «ЗАРАГЕН»**

**14.00.07 – Гигиена**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА (PhD) ФИЛОСОФИИ ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ФЕРГАНА - 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/Tib1669.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета ([www.fmioz@mail.uz](http://www.fmioz@mail.uz)) и в Информационно-образовательном портале Ziyonet ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Искандарова Гулноза Тулкиновна,  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Дусчанов Бахтиёр Аллаберганович,  
доктор медицинских наук, профессор

Шеркузиева Гузал Фахритдиновна,  
кандидат медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:** Центр повышения квалификации медицинских кадров


Защита диссертации состоится «25» января 2022 г. в 16<sup>00</sup> часах на заседании Научного совета PhD 04/30.09.2020.Tib.122.01 при Ферганском медицинском институте общественного здоровья (Адрес: 712000, г.Фергана, ул.Янги Турон, дом 2. (+99869) 243-06-62, e-mail: [www.fmioz@mail.uz](http://www.fmioz@mail.uz)).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского медицинского института общественного здоровья (зарегистрирована за № 4). Адрес: 712000, г.Фергана, ул.Янги Турон, дом 2, Ферганский медицинский институт общественного здоровья. Тел./факс: (+99869) 243-06-62) [www.fmioz@mail.uz](http://www.fmioz@mail.uz).


Автореферат диссертации разослан «12» января 2022 г.

(реестр протокола рассылки № 2 от «12» января 2022 г.



  
Ф.И.Саломова  
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

  
Ш.А.Норматова  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD)

  
Н.Ж.Эрматов  
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

## Введение (аннотация докторской (PhD) диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Проблема продуктов питания в мире настолько актуальна, что единственный способ ее решить - это разработать технологии, повышающие урожайность сельскохозяйственных культур. Среди пестицидов, особое место занимают инсектициды. Искусственные пиретроиды широко используются в составе инсектицидных химикатов, так как обладают низкой токсичностью при однократном поступлении в организм. Однако пиретроиды отличаются устойчивостью к воздействию окружающей среды, что позволяет им накапливаться и перемещаться по цепочке почва-растение. И, следовательно, заражать продукты растительного происхождения. Но так как потеря урожая сельскохозяйственных культур от вредителей и сорняков во всем мире очень высока, то единственный способ предотвратить такие случаи - химически защитить растения от вредителей. «...до конца XIX века против сельскохозяйственных вредителей применяли различные инсектициды минеральные и растительные препараты (копченая сера, керосин, далматская ромашка. С начала XX века стали использовать бор, фосфор, сульфат калия, фторид натрия, для борьбы с различными двуногими вредителями. С развитием химической промышленности в 50-х годах прошлого века ученые разработали большое количество различных лекарств, в некоторые из них была обнаружена пестицидная активность...»<sup>1</sup>. Поэтому выбор безопасного и качественного, токсикологически безвредного применения различных пестицидов в сельском хозяйстве является одной из актуальных проблем в области современной профилактической медицины.

